Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши
21 ДЕКАБРЬ 1967 й
ПАЙШАНБА
№ 296 (451)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЧИЛОНЗОР МАРРАГА ЕТДИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор райони саноат корхоналарининг меҳнатчилари беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб юксак маррани эгалладилар. Район саноат корхоналари 20 декабрда яллиқ маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планининг ошириб бажарилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

Меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагидан 8,6 процент ошди.

Корхоналарнинг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоб-китоб қилишиб қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ўз мажбуриятларини ошириб бажаришга ва пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот беришга бел боғладилар.

Чилонзорлик саноатчилар илгарига мажбуриятларни қайта кўриб чиқиб беш йиллик план топшириғини 1970 йил 5 ноябрга бажариш ва 13 миллион сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Янги йил арафасида азиз пойтахтимизнинг навқирон районн саноатчиларини ғалаба билан табриклаб, ҳимматингизга балли, ғолиблар!— деймиз.

ТИКУВЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

3-тикувчилик фабрикасининг меҳнатсевар коллективи социалистик мусобақа асосида фидокорона меҳнат қилиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва товар маҳсулот бериш йиллик планини шараф билан бажарди.

Фабрикамиз тикувчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига олиб борилган мусобақа натижасида ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Юзлаб ишчилар коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлишди. Коллектив коммунистик меҳнат номи учун курашни қизғин давом эттиряпти. Тикувчилар йил охирига қадар 420 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва 480 минг сўмлик маҳсулотни реализациялашга аҳду-паймон қилдилар.

Тежамкорлик қут-барака эканлигини ўз тажрибамизда ойдин кўриб турибмиз. 11 ойда тежаб қолинган материаллардан 9500 та болалар кийим-кечаги тикиш мумкин.

Пландан ташқари 11 ойда тўпланган жамғармаларимиз 42 минг сўмга етди.

Ишлаб чиқариш маданияти ва меҳнат шароитини яхшилашда эришган ғалабаларни учун юбилей йилида фабрика коллективи СССР Енгил саноат министрлигининг Фахрий ёрлиғи ва Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигининг пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Г. АДАЛЕВ,
3-тикувчилик фабрикасининг директори.
М. СОЛИЕВ,
партия ташкилотининг секретари.
Г. ПОТАПОВА,
маҳаллий комитет раиси.

Бугунги янгиликлар

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Биз, Ўзбекистон хотин-қизлари IV съездининг қатнашчилари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барча хотин-қизлари номидан Жонажон Коммунистик партиямизга ва унинг ленинчи Марказий Комитетига биринчи қизғин муҳаббат ва самимий ташаккур сўзларини йўллаймиз.

Бизнинг съездимиз ажойиб бир вақтда ўтмоқда. Бир ойдан сал олдинроқ советлар мамлакати, бутун прогрессив инсоният жуда зўр тарихий воқеани — жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг 50 йиллик юбилейини мисли̇сиз баланд руҳ ва тантаналорлик билан нишонладилар.

1917 йил 7 ноябрь — бизнинг энг порлоқ, энг азиз санамиздир. Улуғ Ленин бошчилигидаги большевиклар партиясининг доҳиёна раҳбарлиги остида Россия ишчилар синфи ва меҳнаткашлари рўёбга чиқарган Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида янги давр очди, капитализмни емириш ва социализм тантанаси даврини, мазлум халқларни озод қилиш даврини очди. Октябрь туфайли вужудга келган порлоқ ва гўзал янги замон кўп миллатли советлар мамлакатидаги ҳамма халқлар ҳаётини қуёш нури билан ёритди ва бахтиёр қилди.

Ўзбекистон ярим аср ичида жуда баланд чўққиларга кўтарилди. Ўтмишдаги бу қолоқ ўлка қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган, илғор фан ва маданиятга эга бўлган, яшнаб бораётган индустриал республикага айланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет давлатининг ярим асрлик юбилейини саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Ўзбекистон пахтакорлари бу йилги об-ҳаво шароити вужудга келтирган катта қийинчиликларни енгиб, ўз сўзларининг устидан чиқдилар — Ватанга 4 миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» бердилар. Биз бу билан фахрланамиз.

Октябрь ўзбек хотин-қизларн тақдирида ҳам чинакам революция қилди. Энг оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб чўри ва қул бўлиб қолган ўзбек хотин-қизлари партия очиб берган, Ленин нури билан ёритилган озодлик ва бахтиёрликнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олдилар.

Коммунистик партия, Совет давлати мамлакатимиз хотин-қизларининг ўз ижодий қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантиришларига бутун имкониятни яратиб бермоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Ўзбекистон хотин-қизлари саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан ва маданият майдонида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар коммунизм юксак идеалларининг тантанаси учун олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Совет халқига, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча меҳнаткашларига» қилган Мурожаатига жавобан, нималар қилишимиз кераклиги, буюк йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигини қандай қилиб яхши нишонлашимиз кераклиги ҳақида съездимизда атрофлича ва конкрет гаплашиб олдик.

Республика заводлари ва фабрикаларидаги, қурилишларидаги хотин-қиз ишчилар техникани янада тараққий эттирмоқ, ишсиодий нелюхотни амалга оширмоқ, меҳнат унумдорлигини ва махсулот сифатини оширмоқ учун бундан буён ҳам зўр бериб курашадилар. Колхоз ва совхоз далаларининг механизация ва юксак агротехникага асосланиб, пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан тағин ҳам кўпроқ ҳосил олишга ҳормай-толмай ҳаракат қилабрадилар.

Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи органларида, фан ва маданиятда соҳаларида ишлаб турган хотин-қизларимиз партиянинг буюк режаларини амалга оширишда муносиб ўрин оладилар.

Партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб шуни айтамизки, Совет Ўзбекистони хотин-қизлари беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун астойдил курашадилар, ўзларининг бутун кучларини, билимлари ва ғайратларини мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш буюк ишига сарфлайдилар.

Яшасин, тинчлик ва халқлар дўстлигининг таянчи бўлган севимли Ватанимиз!

Яшасин совет халқини ғалабадан-ғалабага, порлоқ келажакка — коммунизмга олиб бораётган жонажон Коммунистик партиямиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИ.

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИЛАРИ БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барча хотин-қизларига Ўзбекистон хотин-қизлари IV съездининг МУРОЖААТИ

Азиз оналар, опа-сингиллар, дугоналар!

Совет халқи жонажон давлатимизнинг 50 йиллик юбилейини зўр қувонч ва ҳаққоний ифтихор туйғулари билан тантанали суратда нишонладилар.

Октябрь революциясининг буюк яратувчилик кучи, Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги туфайли, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқ зиёлилари, кўп миллатли бутун совет халқининг бир неча авлоди қилган фидокорона меҳнат туфайли мамлакатимиз қисқа тарихий муддат ичида ўз иқтисодий қудратини оширишда, халқнинг фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришда жуда катта муваффақиятларга эришди.

Улуғ Октябрь, социализмнинг ғалабаси мамлакатимизга янги хаёт бағишлади, эркин меҳнат қилишдек бахт келтирди, аниқ мақсадга қаратилган ижодий ғайратни жўш урдириб юборди. Ҳозир совет кишилари ўлмас Ленин ғоялари байроғи остида, партия раҳнамолигида коммунизм ғалабаси сари комил ишонч билан бормоқдалар.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини бажариш учун биргаликда олиб борилаётган курашда Ватанимиз халқларининг улуғ биродарлиги ва бузилмас дўстлиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Социалистик тузум СССРдаги барча халқлар экономикаси ва маданиятини ҳар томонлама равнақ топтириш учун битмас-туганмас имкониятларни таъминлади. Ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон илгари қолоқ бўлган ўлкадан Совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнаётган социалистик республикага айланди. Республикамиз юксак даражада ривожланган саноатга, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига, илғор маданиятга эгадир. Улуғ Октябрь тонги Ўзбекистондаги меҳнаткашларнинг ҳар бир хонадонига, ҳар бир онласига бахтли ҳаёт келтирди.

Биз ҳамма ютуқларимизга, хушчақчақ ҳаётимизга, ҳозирги ажойиб турмушимизга ва янада гўзалроқ истиқболимизга Улуғ Ленин партияси туфайли эришдик.

Коммунистик партиянинг бошқорати ва доноligи энг баланд чўққиларни муваффақиятли эгаллашда ёрдам бермоқда, қанот бағишламоқда, партиянинг доимий ғамхўрлиги қалбимизга ҳарорат бахш этмоқда, янги қаҳрамонона ишларга, ер юзидаги энг инсонпарвар ва адолатли жамият бўлган коммунизм йўлида янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирмоқда.

Қадрли ўртоқлар! Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида актив иштирок этишига эришганлигимиз Совет ҳокимиятининг буюк ғалабасидир.

В. И. Ленин совет ҳокимияти тонгидаёқ янги социалистик жамият йўлини белгилаб, бундай деган эди: «Биз шундай қилайликки, ишчи аёл қонундагина эмас, балки турмушнинг ўзида ишчи эркак билан тенгликка эришсин. Бунинг учун ишчи аёллар жамоат корхоналарини бошқаришда ва давлатни бошқаришда тобора кўпроқ иштирок этмоқдари даркор». Биз бугун ифтихор билан айта оламизки, партия Ленин васиятини шараф билан бажарди.

Совет хотин-қизлари озод ва тенг ҳуқуқли, мағрур ва довюрак, ўқимишли бўлиб қолдилар ва ўз истиқболларига ишонч билан қарамоқдалар. Бутун дунёдаги миллионларча меҳнаткаш хотин-қизлар биздан ўрнак олмоқдалар, бизга тенглашишга ҳаракат қилмоқдалар.

Биз, Ўзбекистон хотин-қизлари, коммунизм учун умумхалқ курашининг актив қатнашчилари эканлигимиз билан фахрланамиз. Бизнинг истеъдодимиз, синчков ақлимиз, ўткир зеҳнимиз ҳамма жойда, ҳар бир соҳада сезилиб турибди. Халқ Ўзбекистонининг 163 қизини мамлакат ва республика Олий Советига депутат қилиб юборди, 34.640 хотин-қиз маҳаллий Советларга сайланган. Ўзбекистон хотин-қизларидан 88 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилгани, 36 минг кишн Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланганлиги, 7 мингдан кўпроқ аёл Қаҳрамон она деган олижаноб унвонга эга бўлганлиги ажойиб бир факт эмасми, ахир.

Қадрли дугоналар, биз ифтихор билан айта оламизки, биз ижодий меҳнатимиз билан саноатда ва қурилишда техника тараққиётига ҳисса қўшмоқдамиз; янги иқтисодий ислоҳот муҳим позицияларни эгалламоқда, колхоз ва совхозларнинг бойлиги ошмоқда. 1 миллион 500 минг хотин-қиз халқ хўжалигида меҳнат қилмоқда, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 176 минг мутахассис хотин-қиз ишламоқда. Республикада 110 мингдан кўпроқ хотин-қиз инженер, врач, агроном, ўқитувчи, зоотехник, илмий ходим, фан, маданият ва санъат арбобидир.

Буларнинг ҳаммаси бизларга қувонч бағишлайди, ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида, экономика ва маданиятни ривожлантиришда республикамиз олдида турган катта вазифаларни бажариш йўлида янги шижоат ва зафарларга илҳомлантиради. Бу вазифалар эса ниҳоятда каттадир. Бу вазифалар партия XXIII съезди қарорларида, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планига доир Директивларда белгилаб берилган. Бу вазифаларни ҳал этишда биз, хотин-қизлар муҳим роль ўйнаймиз.

Биз социалистик Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съездига хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги ўз амалий вазифаларимизни муҳокама қилмоқ учун тўпландик. Биз хотин-қизлар ўз кучимизни ва билимимизни сарфлаб меҳнат қилишимизни талаб этадиган вазифалар жуда кўп.

Бундан буён ҳам Совет халқлари улуғ меҳнаткаш онласининг актив қатнашчиси бўлиш, эркаклар билан қўлни-қўлга бериб, ҳамжиҳат бўлиб, партия раҳбарлигида коммунистик жамият қуриш — муқаддас бурчимиздир.

Биз, Ўзбекистон хотин-қизлари IV съездининг қатнашчилари, республикадаги барча хотин-қизларга мурожаат қилиб, янада яхшироқ ва фидокорона меҳнат қилишга, ўзимизнинг бутун билимимиз, тажрибамиз ва ижодий ғайратимизни коммунизм қуришдек улуғ ишга сарфлашга чақирамиз. Ватанимиз бахт-саодати йўлида, ўз халқимизнинг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш — ҳаётимизнинг мазмунидир.

БИЗ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА СОҲАСИДА ИШЛАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ техникани янада тараққий эттириш учун, иқтисодий ислоҳотни амалга оширш учун, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш учун тинмай кураш олиб боришга чақирамиз. Хўжаликларнинг тежамкор соҳибаси бўлайлик, ишлаб чиқариш резерваларини аниқлайлик, завод маркасининг шарафи учун, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш учун курашайлик, меҳнатда шаҳсан намуна кўрсатайлик!

БИЗ ҚИШЛОҚЛАРДАГИ ШОНЛИ МЕҲНАТКАШ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини янада қудратли даражада юксалтириш учун тағин ҳам қатъият билан кураш олиб боришга чақирамиз. Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашчиларнинг олдинги сафида борингиз, деҳқончилик маданиятини, агротехника ва зоотехника билимларини эгалланғиз. Кадрли дугоналар, шуни ёдингизда тутингизки: пахта, дон, сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари қанчалик кўп бўлса, Ватанимиз шунча бадавлат бўлади, совет халқининг турмуши шунчалик гўзал ва фаровон бўлади.

Бизларнинг бурчимиз — қишлоқларни намунали маданият ва социалистик турмуш поселкаларига айлантиришдан, янги урф-одатларни дадил жорий этишдан иборатдир. Биз қишлоқларда мактаблар, болалар муассасалари ва маданий-маиший муассасалар қурилишига кўз-қулоқ бўлиб туришимиз, уларнинг ишини муттасил яхшилашга эришмогимиз зарур.

БИЗ ХОТИН-ҚИЗ ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИ, МУАЛЛИМА ВА ВРАЧЛАРНИ, ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ БАРЧА ВАКИЛЛАРИНИ партия ва халқ олдидаги ўз бурчларини бундан буён ҳам шараф билан бажаришга, фан ва техникани қунт билан ривожлантиришга, омма орасида маданият тарқатишга, ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашга ёрдам кўрсатишга чақирамиз.

ОНАЛАР! Биз сизларга мурожаат қиляпмиз. Она ҳамиша, ҳамма замонларда, ҳамма халқларда энг муқаддас зот ҳисобланиб келган. Аммо фақат бизнинг мамлакатимизда, Советлар мамлакатидагина она жамиятда ўзи ҳақли бўлган ўринни эгаллади. Бизда болаларга бутун халқ ғамхўр ва меҳрибон.

Бундан элик йил муқаддам бирорта педиатор-врач бўлмаган Ўзбекистонда ҳозир икки мингдан кўпроқ болалар врачи бор, тўрт юзга яқин болалар консультацияси, қарийб икки минг ясли, кўплаб болалар санаторийси очилган.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг бутун сиёсати хотин-қизларга зўр ҳурмат, унинг фарогати ҳақида зўр ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Ўз ўғил ва қизларида Совет кишисининг энг яхши фазилатлари — коммунизм идеалларига садоқат, юксак сиёсий онглилик, меҳнатсеварлик, коллективизм, ватанпарварлик ва пролетар интернационализми фазилатларини тарбиялаб, волга етказиш — оналаримизнинг юксак бурчидир. Зотан, бу ишни бола гўдаклигидаёқ бошлаш керак.

Қадрли ўртоқлар!

Янги кишини, коммунистик жамият кишисини тарбиялаш учун қунт билан қураш олиб бориш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Енгинамизда ўтмишнинг жирканч сарқитлари яшашга, бирор кишн хотин-қизга иззат-ҳурматнинг оёқ ости қилмоқчи бўлганига бефарқ қараб туришга ҳаққимиз йўқ. Биз ўтмиш сарқитларига қарши бутун кучимиз билан кўрашмоғимиз, ҳуқуқимизни, иззат-ҳурматимизни қўриқловчи совет тузуми қонунлари ва қоидаларини бузиш фактларига бефарқ қарамаслигимиз керак.

ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР ВА ДУГОНАЛАР! Сиз қаерда меҳнат қилишингиздан, қандай ижтимоий ишни бажараётганингиздан қатъий назар — ҳамма вақт ва ҳамма жойда совет хотин-қизлари шуҳратини юксак кўтаринглиз, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бўлинглиз. Биз, съезд қатнашчилари, республиканинг барча хотин-қизларини КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини бажариш учун янада қунт билан кураш олиб боришга ҳамда Ўзбекистонининг меҳнат шарафини янада оширишга, ўз меҳнатлари билан кўп миллатли буюк Ватанимиз қудрати ва бойлигини ҳормай-толмай оширишга, жонажон Ленин партияси теварагида янада мустаҳкамроқ жипслашишга, бутун дунёда тинчлик учун қатъий кураш олиб боришга чақирамиз.

Яшасин севикли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Жонажон Коммунистик партияга ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!

Ўзбекистон хотин-қизлари IV съездининг Вьетнам хотин-қизларига МУРОЖААТИ

Вьетнамлик азиз дугоналар, опа-сингиллар, оналар!

Сизлар учун оғир бўлган шу пайтда қардош Вьетнам халқининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун америкалик агрессорларга қарши қаҳрамонона олиб бораётган курашидан ва ўз ҳаёти, ўз бахтини ва ўз болаларининг бахт-саодатини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлигидан хурсанд эканлигимизни Совет Ўзбекистони хотин-қизлари номидан изҳор қилиш учун сизларга мурожаат қилмоқдамиз.

Вьетнамлик азиз опа-сингилларимиз!

Биз ўз ўғил ва қизларини ватанга, ўз халқига чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб ўстирган вьетнамлик аёлларнинг Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти армиясининг қаҳрамонона курашида жуда катта хизматлари борлигини биламиз.

Биз социализм шон-шуҳрати йўлида қилаётган улкан ишларингизга қойил қолмоқдамиз: сизлар ашаддий душман вайрон қилган жойларни қўлга қурол олиб, эркаклар билан бирга тикламоқдасиз, болаларни тарбияламоқдасиз. Етим-есир қолган болаларнинг мушкулини осон қилиб, уларни ўз бағрингизга олингиз, ғалаба пайтини яқинлаштириш учун ҳамма чораларни кўрингиз.

Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган бутун совет халқи каби биз, Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг манфур америкалик империалистларга қарши муқаддас кураш олиб бораётган мард Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга қаратилган снёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг ҳаққоний иши тантана қилажагига чин кўнглимиздан ишонамиз. Биз бундан буён ҳам сизларга қўлимиздан келганича моддий ёрдам берамиз. Совет хотин-қизлари комитети орқали болалар кийим-кечаклари, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларини юборнб турамиз.

Яшасин Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши!

Яшасин совет ва Вьетнам халқларининг бузилмас дўстлиги!

Вьетнамлик азиз ўртоқлар, сизлар албатта ғалаба қозонасиз. Биз бунга аминмиз, чунки енгилмас марксизм-ленинизм таълимоти бизни олға бошлаб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ IV СЪЕЗДИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ.

1967 йил 20 декабрь. Тошкент шаҳри.

ЎҚУВЧИЛАР ФИЛЬМИ

Ўқувчилар томонидан яратилган бу ҳаяжонли фильм кино ҳавасқорлар студиялари ижодий маҳсулотлари қаторидан муносиб ўрин олди. Мазкур ҳужжатли фильм республикамиздаги кўпгина мактабларда намойиш қилиниши турган ган.

- Пойтахтимиздаги 63-ўрта мактабнинг кино ҳавасқорлари бу ҳужжатли экран асарини «Биз Ильич набиралари» деб номлашди. Фильм кадрларида республикамиз мактабларида амалга оширилаётган ибратли ишлар ўзининг жонли ифодасини топди.

Янги фильм тўлиқ метражли бўлиб, бир ярим соат кўрсатилади. Ундан мактабларда ўқувчилар фильми сифатида ҳам фойдалансалар бўлади.

ВАТАН САЁҲАТИГА

Тошкент область саёҳатчиларидан бешюз киши Ватан саёҳатига отланишди. Улар 25 кун давомида маҳсус поездда Волгоград, Кисловодск, Дербент, Боку, Ереван, Тбилиси, Батуми, Гагра, Адлер, каби шаҳар ва қишлоқларнинг жамоли ва маданиятини томоша қиладилар.

Саёҳатчилар беш юз киши бўлиб, улар саноат ва колхоз-совхозларнинг меҳнаткашларидир.

ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

20 декабрда Кремлдаги съездлар саройида Москва меҳнаткашлари вакилларининг совет хавфсизлик органлари 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Президиумда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари бор эди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет давлат хавфсизлиги органлари ходимларига табрикномасини ўқиб берди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов доклад килди. (ТАСС).

* * *

20 декабрда Навоий номидаги опера ва балет театри байрамдагидек безатилган эди. Партия, давлат ва жамоат арбоблари, революция ветеранлари, давлат хавфсизлиги комитети ходимлари, Тошкентдаги саноат корхоналари ва муассасаларнинг жуда кўп вакиллари ВЧК-КГБ нинг ярим асрлик юбилейига бағишланган тантанали мажлисга тўпланишди.

Президиумга КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Р. Ғурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат М. Абдураззоқов, революция ветеранлари, кекса чекистлар, Ўзбекистон пойтахти партия ва совет органларининг вакиллари бор эди.

Мажлис қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси тантанали мажлисининг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат хавфсизлиги комитети раиси генерал-майор С. Н. Киселев ВЧК—КГБ нинг элик йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ғоят баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар. (ЎзТАГ).



ДЎСТЛИК ЛАВҲАЛАРИ

Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанимизнинг минглаб фарзандлари Тошкентдан паноҳ топишди. Улар Байналминал кўчасидаги 22-болалар уйида жойлашишди. Орадан йиллар ўтди. Турли миллат фарзандлари ажойиб кишилар бўлиб етишишди. Болаларни оқ ювиб, оқ тараган, уларнинг бошини силаганлардан бири бу уйнинг директори Хлебушкина бўлди.

Ҳозирги пайтда бу гамхўр мураббия Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан миннатдорчилик мактублари олияпти. Бу мактубларни унинг доно маслаҳатларини қалбига жо қилган йигит-қизлар ёзишмоқда.


Тошкент телевидение студияси шу болалар уйининг фаолияти ва унинг директори Хлебушкина ҳақида фильм тайёрлади. Картина муаллифи Ф. Хўжаевдир.

Бугун «Тошкент, Хлебушкинага» деган телефильм студия бадиий кенгаши муҳокамасидан ўтди. У янги йилнинг дастлабки кунлари телетомошабинлар диққатига ҳавола қилинади.

Яна бир янги фильм, У «Мангу саҳлайлик» деб аталади. Қардош Украинанинг Донецк об. ластидаги Шевченко номли колхозда дўстлик клуби бор: Музей экспонатлари орасида Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг китоблари ўрин олган. Атоқли шоир ҳаёт вақтидалигида бу хўжалинда бўлиб унинг аъзолари билан бир оға-иниидек бўлиб қолган. Шундан кейин украинлар ўзбек адибини колхозга фахрий аъзо қилиб олишди. Шоир вафотидан кейин колхоздаги кўчалардан бирига Ғафур Ғулом номи берилди.

Фильм ана шу ҳақда ҳикоя қилади. Унинг ижодкорлари сценарий автори М. И. Косих режиссёр А. Ёқубов, оператор Б. Пановлардир.

Бу ҳар икки картина халқларимиз дўстлигининг ёркин саҳифасидир.



Шаҳримиздаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси бу йил 1 миллион 700 мингта турли хил сифатли бош кийимларни ишлаб чиқарди. Ҳозир фабрика коллективи пландан ташқари 45 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

Суратда: шу фабрикаиинг ишчан чевар қолипчиси коммунистик меҳнат бригадаси аъзоси Рая Нигматуллина.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲРИМ ЮЛДУЗЛАРИ

Календарь саҳифалари йиртилган сари янги йил кириб келяпти. Янги йил байрамига Тошкент майдонлари ва кўчалари байрамдагидек безанмоқда.

Шаҳарни ёритиш бошқармасининг ходимлари шу кунларда Шота Руставели кўчасининг физкультурная бекатидан Фарҳод бекатигача ёритиш ишларини зудлик билан олиб бормоқдалар. Кўчанинг ҳар икки томонига янги лампалар ўрнатилмоқда. У бир неча кундан кейин ҳаммаёқни сутдек ёритади.

Электрлаштириш ходимлари бугун Богдан Хмельницкий Локомотив, Мала Бешёғоч, Кабельная кўчаларида ҳам ана шундай ишларни амалга оширнб бўлдилар.

Булардан ташқари шаҳардаги барча майдонлари ранг-баранг лампочкалар билан безаш бошланди. Охунбобоев, Комсомол, Беруний, Вокзал олди, Куйбишев, Чайка кинотеатри майдонлари байрамга атаб ёритилади. Бу ерларга қўйиладиган минг-минглаб шамалоқ лампочкалар байрам шодиёнасига файз киритади.

● *Шаҳримизнинг архитектура қиёфаси ҳақида мулоҳазалар*

УЙЛАР ҲУСНИНИ БУЗМАНГ

Кўпгина тошкентликлар, пойтахтимиз меҳмонлари имконият бўлганда шаҳар кезиб, томоша қилишни яхши кўришади. Янги массивларнинг янги кўчаларини оралаб юриб, улар қурилиш суръатларининг юксаклигига қойил қолишади.

Чиндан ҳам шаҳримиз қиёфаси кўз ўнгимизда кун сайин ўзгаряпти. Қардош республикаларнинг вакиллари, «Главташкентстрой» қурувчилари ўз ихтиёрларидаги қудратли техникани маҳорат билан ишлатиб, янги-янги микрорайонлар, кварталлар, турар жой биноларини бунёд қилмоқдалар. Ҳозирда деярли ҳар куни янги уй-жойлар фойдаланишга топширилмоқда.

Бу қувончли, албатта. Бироқ турар жой қийинчиликлари ҳал қилиниши билан уй-жой фондидан фойдаланишни тўғри ташкил этиш проблемаси тугалланти. Кўпгина ижарачилар уй-жой биносини сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузяптилар.

Баъзан янги фойдаланишга топширилган турар жой биносининг қиёфаси бир неча кун ўтмасданоқ ўзгариб қолганлигининг гувоҳи бўласиз. Унга янгидан кўчиб киришган меъморлар ижоди ва қурувчилар ишига ўзи билганича «тузатишлар» кирита бошлашади. Турар жойларнинг ҳуснига-ҳуси кўшиб, умумий кўринишини чиройли кўрсатиб турувчи айвончаларни ҳар ким ўзбошимчалик билан ойналайди, турли ранг ва ҳар хил шаклдаги деразалар куриб олишади. Ажаби сайр қилиб дам оладиган, болалар ўйнайдиган майдончаларга турли-туман кўшимча бинолар, гаражлар қуриш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Биноинг қаватларда яшовчиларгина эмас, юқорги қаватларда турувчилар ҳам деразаларга темир панжаралар ўрнатиб олишади.

Қорасамиқ массивидаги уйларга янгидангина одамлар кўчиб киришган эди. Бугун бу ерга келсангиз, уйларнинг олдинги киёфаси бутунлай ўзгариб кетганлигининг гувоҳи бўласиз. Хонадонлар аллақачон айвончаларни темир панжаралар, ромлар билан тўсиб олишибди. Кўпчилик айвончалар латта-путтага тўлиб ётганлиги ташқаридан ҳам кўзга ташланади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Чилонзор, Черданцев, Високовольтний массивларида айвончаларни деразалаш оммавий тус олган. Черданцев массивидаги 15-турар жойларни эксплуатация қилиш идораси атрофида 185 айвонча ўзбошимчалик билан деразаланган. Високовольтний массивидаги 21-уй-жой комитети ихтиёридаги биноларда 105 айвончага турли-туман ромлар қопланибди. Бу жойларда биринчи қаватда яшовчиларнинг деразалари темир панжаралар билан қопланган.

Яна бир кунгилсиз томони шундаки, ҳар бир айвонча ва дераза турли рангга бўялган.

Буларнинг ҳаммаси уй-жойларнинг кўринишини, турар-жой кварталларининг умумий қиёфасини бузмоқда.

Шаҳар марказида ҳам аҳвол яхши эмас. Кўча ва йўлакларда ўтаётиб, айвончаларни тўлдириб илинган кирларга қарасангиз боишингиз айланагудек бўлади. Нималарга кўз тушмайди дейсиз...

Навоий кўчасидаги 42-уйнинг ҳамма айвончалари (1-подъезддан ташқари) турли кераксиз буюмларга тўлиб ётибди. Ҳамма ёққа осиб ташланган кир-чир, қоғозлар кўзга ташланади.

Бу нуқсонлар турар жой органлари фуқароларга уй-жойлардан фойдаланиш қоидаларини тушунтирмаётганлигини ва уларга қатъий амал қилишни талаб қилмаётганликларининг оқибатидир. Қатор уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, айниқса, Чилонзор ва Октябрь районларидаги ана шундай идоралар ўзларининг маъмурий ҳуқуқларидан фойдаланмаяптилар. Шаҳсиятчиликка берилиб, уй-жойларнинг кўринишини бузаётган, амалдаги қоидаларга бўйсунмаётган ижарачиларга тегишли чоралар кўрмаяптилар.

Кооператив уй-жойлари ва маълум муассасалар ихтиёридаги биноларнинг архитектура кўринишини сақлаш ҳақида ҳам мутлақо ғамхўрлик қилинмаяпти.

Уй-жой фондини сақлаш ҳақида гапирилганда айрим бинолар чалалигича фойдаланишга топширилаётганлигини ва бу нарса эксплуатация даврида катта ташвишлар туғдираётганлигини қайд қилмасдан бўлмайди. Кўпгина йирик панелли уйларнинг деворлари оралигидан, томининг панеллар уланган жойларидан нам ўтиб кетяпти.

Лойиҳаларда қайд қилинган ободонлаштириш ишлари қурувчилар томонидан баъзан тўла бажарилмайди. Бу қандай оқибатларга олиб келишини қуйидаги фактларда кўриш мумкин: қурилишда чала қолдирилган ишларни тузатиш учун Чилонзор ва Куйбишев районларининг турар жой бошқармалари 462 минг сўм сарфладилар.

Айрим уй-жойлар турмуш учун зарур бўлган иншоотларсиз, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида фойдаланишга топширилаётганлиги тўғрисида аҳолидан тушаётган эътирозларни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Лойиҳачилар баъзан кирларни қуритиш учун ниҳоятда тор жой ажратадилар.. Оқибатда одамлар уй-жойларга ўзларича ўзгаришлар киритишга мажбур бўладилар. Айрим биноларда эса кир осадиган жойлар умуман йўқ. Лойиҳалаш институтлари янги уй-жойларнинг айвончаларига ойна қоплашни чуқур ўйлаб кўришса, яхши бўларди. Чунки йилнинг кўп ойлари иссиқ бўладиган Тошкентимизда одамлар айвонларда ўтиришни яхши кўришади. У деразаланган бўлса, дам олиш учун қулайлик ошади.

Чилонзор районида Болтиқ бўйи республикалари қурувчилари бунёд этаётган бинолар бу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовордир. Уларнинг айвончаларига олдиндан деразалар ўрнатилган, кўриниши ҳам чиройли, қулайлиги ҳам яхши.


Шу муносабат билан «Ташгипрогор» амалдаги лойиҳаларга тегишли ўзгаришлар киритиши, айвончаларни ойналашни олдиндан планлаштириши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу ишлар типовой лойиҳалар асосида марказлашган ҳолда бажарилса, яна ҳам яхши бўларди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси шаҳримиз қиёфасини янада яхшилаши турган гап.

Ҳар бир тошкентлик, уй-жой фондидан тўғри фойдаланиш учун, кўчалар ва турар жой массивларининг қиёфасини сақлашга ҳисса қўшиш учун қурашмоғи лозим.

А. МУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети турар жойлардан фойдаланиш ва капитал ремонт қилиш бошқармасининг бошлиғи.

ЧИЛОНЗОРДА ЛАТВИЯ КВАРТАЛИ



Қардош Латвия бинокорлари Чилонзорда қисқа муддатда Латвия кварталини бунёд этдилар.
СУРАТДА: Чилонзордаги Латвия кварталининг умумий кўриниши.

Р. Шамсиддинов фотоси.

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

«Висотстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси бошлиғининг конторасига ҳеч қандай қоидага риоя қилинмаган ҳолда электр келтирилган эди. Электр симлари енгил-елпи уланиб, лампочкалар қўлда ёқиб-ўчирилар эди. Плитадан ҳам ўзбошимчалик билан фойдаланиларди.

Объект тунлари қўриқланмасди. Мастерлардан Хозякин, Скрипников ўртоқларнинг масъулиятсизлиги оқибатида бу ерда яқинда симлардан ўт чиқиб, контора ёниб кетди.

Бундан бироз вақт илгари «Ленташстрой»нинг 2-қурилиш-монтаж поездида ишлайдиган қурувчилардан А. Башчев, В. Лукьянов, Б. Попов ўзларича базм қилмоқчи бўлишиб, анчагина атрофдаги аҳволдан бехабар хотиржам ухлаб қолишди. Тонга яқин кўшни хонада ётган Прокофьев ёнғинидан хабардор бўлиб қолиб, йигитларни уйғотади.

ЭҲТИЁТ ЯХШИ

вино сотиб олишди. Баракнинг ҳаммаёғи ёғоғдан. Шу ерда электр плита бор. Йигитлар овқат тайёрламоқчи бўлишди. Бу ердаги хоналар электр иситгичлар ёрдамида иситиларди. Хуллас, йигитлар винохўрлик билан машғул бўлиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳамиша сифатли бўлади. Улар саратовликлар ташаббусига қўшилиб, ўзларига базм қилмоқчи бўлишди. Бу ердаги хоналар электр иситгичлар ёрдамида иситиларди. Хуллас, йигитлар винохўрлик билан машғул бўлиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг фақат юқори сифатли бўлишини таъминлаяптилар. Бракка ва маҳсулот сифатининг паст бўлишига йўл қўймаслик ҳақида алоҳида ёзиб қўйилган. Бригада аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотларига ўзлари назоратчилик қилишади. Кўплари маҳсулот ёрлиғига шахсий имзо қўйишади.

— М. Иванова бригадаси,— дейди цех бошлиғи Ф. Ф. Ольшанский, — корхонамизда биринчи бўлиб саратовликлар пинг маҳсулот сифати учун бошлаган ташаббусига қўшилишди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатли бўлаётганлиги учун ҳам электр лампаси штепселлари тайёрлашни ўзлаштириб олиш ҳуқуқи корхонада биринчи марта шу бригада аъзоларига берилди. Бу ишонч шараф билан оқланмоқда.

Аёллар бригадаси ҳар куни нормадаги 962 ўрнига 1500 тадан электр шчитларини етказиб бериш билан бирга бир ярим ойдан бери 1968 йил ҳисобига маҳсулот беряпти.

Э. ҚОДИРОВ.

ДУГОНАЛАР

● САРАТОВЛИКЛАР ИЗИДАН

Сочларига оқ оралаган аёл станок ёнидаги қизнинг олдига келди:

— Хўш, Зина, ишларинг қандай кетаяпти, қизим,— деди оналарча меҳрибонлик билан.

— Ёмон эмас, Мария опа. Фақат...

Қиз уялиб ерга қаради.

— Сен тортинма, Зина. Иш вақтида билмаганингни сўраб билиб ол. Ўзингга фойда бўлади. Ҳаммамиз ҳам осмондан иш билиб тушмаганмиз. Сен каби туртилиб-суртилиб, билмаганимизни сўраб, касбимизнинг қулоғини бураб олдик.

— Мария опа, негадир қолипдаги электр лампа патронларим бир текисда чиқмаётир.

— Вой қизим тушмагур, бунинг йўли осон. Мана ҳозир эпақага келтирамиз.

Аёл қандайдир асбобларнинг мурувватини буради. Икки-уч асбобни созлаб ҳам кўради. Сўнгра:

— Хўш энди-чи, она қизим,— деди.

— Ҳаммаси жойида, Мария опа,—жавоб қилди чеҳраси қуёшдек ёришиб кетган Зина.

Бирпеча кун илгари Зинаида Пакни шогирдликка олган Мария Иванованинг завод остонасига қадам қўйганига 35 йил бўлди. Шу давр мобайнида не-не ишларни бажармади дейсиз.

Типик - тинчимас аёл 1960 йил кузида пластмасса буюмлари заводининг электр цехида аёллар бригадасини ташкил қилиб, унда муваффақиятли равишда бошчилик қилиб келмоқда.

Бригадада ўттиз хотин-қиз меҳнат қилади. Ҳаммаси бир оиланинг аъзоларидек иноқ, меҳрибон.

Коллективнинг ўз маъшаллари бор. Н. Коломейцова, Н. Павлова, Е. Гончаренко, П. Горбоновскаялар костромалик В. Плетнева ташаббусига қўшилиб, ўз шахсий икки йиллик топшириқларини ўринлатиб, ҳозирда 1968 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Бригада аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳамиша сифатли бўлади. Улар саратовликлар ташаббусига қўшилиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг фақат юқори сифатли бўлишини таъминлаяптилар. Бракка ва маҳсулот сифатининг паст бўлишига йўл қўймаслик ҳақида алоҳида ёзиб қўйилган. Бригада аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотларига ўзлари назоратчилик қилишади. Кўплари маҳсулот ёрлиғига шахсий имзо қўйишади.

— М. Иванова бригадаси,— дейди цех бошлиғи Ф. Ф. Ольшанский, — корхонамизда биринчи бўлиб саратовликлар пинг маҳсулот сифати учун бошлаган ташаббусига қўшилишди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатли бўлаётганлиги учун ҳам электр лампаси штепселлари тайёрлашни ўзлаштириб олиш ҳуқуқи корхонада биринчи марта шу бригада аъзоларига берилди. Бу ишонч шараф билан оқланмоқда.

Аёллар бригадаси ҳар куни нормадаги 962 ўрнига 1500 тадан электр шчитларини етказиб бериш билан бирга бир ярим ойдан бери 1968 йил ҳисобига маҳсулот беряпти.

Э. ҚОДИРОВ.

КЎЧАДАГИ КЎЛМАКЛАР

— Шу кўчага ҳам сон тегармикин-а, болам!— деб нолиб қолди Лабзак кўчасидан сабзавот магазинига харид қилиш учун кетаётган мўйсафид отахон.

— Ҳа, отахон, ёздаку билинмайди-я, қишда балчиқ кечмай нложингиз йўқ. Сартарошхонага ёки иккита газета олгани чиқсангиз, тиззангизгача лойга ботиб қайтишга тўғри келади, ҳасратга ҳасрат билан жавоб қилди йигит,— ўқувчи болаларни мактабга бориб келгунча кийим-бошини кўриб бўлмайди.

Мўйсафид билан йигитнинг хуноб бўлганича бор. Усмон Юсупов номли кўча бўйлаб юриб, Лабзакка яқинлашсангиз, наҳ кўлмак устидан чиқасиз. Бутлеров, Водопад проездлари ҳам бундан қолишмайди.

Бу кўчанинг аҳолиси қишн билан қийналиб чиқади. Лекин Киров район ижроия комитети ходимларининг бу томонга иши тушмади шекилли, хабар ҳам олишмайди, парво ҳам қилишмайди. Коммунал хўжалик бўлимидаги ўртоқларни шу кўчадан етаклаб ўтсакмикин!!

Б. АКБАРОВ.



АНҲОР БУЙИДА. Л. Глауберзон фотоси.



Коммунистик меҳнат зарбдори Киралина Михалева шаҳримиздаги «Подшипник» заводининг ишчан комплектовчисидир. 24 йилдан буён мана шу корхонада ҳалол меҳнат қилаётган бу жамоатчи аёл мунтазам равишда смена, ойлик топшириқларини бир ярим баробар адо этади. Корхонанинг бошқа пешқадам ишчилари қаторида бу ишчи аёл ҳам беш йилликни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган.

Суратда: К. Михалева иш устида.

Меҳнатда пешқадамлар



Коммунистик меҳнат зарбдори Т. Мирҳамидов Тошкент галантерея фабрикасининг пешқадам бичувчи мастерларидан ҳисобланади. Шу корхонада кўпдан буён ишлаётган бу ишчи кўпгина ёш ишчиларга ҳунар ўргатди. Ҳозир Т. Мирҳамидов беш йилликни муддатидан илгари адо этишга аҳд қилган корхона ишчиларидан биридир.

Суратда: Т. Мирҳамидов.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — 1967

КЕЧАГИ ХАТЛАР

ОНА ТАЛАБИ

Мен кўп болали онаман. Олмазор кўчасидаги 98-уйда тураман. Шу йилнинг июнь ойида Чилонзор район газ бошқармасига ариза берган эдим. Албатта қуриб берамиз, деб кўнглимни хотиржам қилиб жўнатишган эди.

Газ келтирилди, улашга тайёр бўлди. Ниҳоят октябрь ойининг бошида пул тўлаб квитанция олдим. Аммо, шу кетганча газчилар йўқ бўлиб кетишди. Бир келади 3-4 та гайкаси йўқ деб, бир келади бошқа бахона қилиб. Хуллас, қиш ҳам келди. Лекин ўн-ўн беш марталаб қатнашимга қарамай, 7 ойдан буён газ ололмай сарсонман.

Шаҳар газ бошқармасидаги раҳбарларнинг ўз уйида газ ловуллаб ёниб турган дирки, биз билан иши йўқ. Ана шу нарса менн редакцияга хат ёзишга мажбур қилди.

М. ДЎСМАТОВА.

РЕДАКЦИЯДАН

Биз Чилонзор район газ бошқармасининг бошлиғи ўртоқ С. Винецкий билан кўп болали она М. Дўсматованинг хати юзасидан телефон орқали сўзлашган эдик, бошқарма бошлиғи бу хатни уларга юборишни сўради. Афтидан ўртоқ Винецкий бу билан муддатни яна бироз чўзиш ниятида шекилли. Ахир кўп болали она газ бошқармасига бунга қадар ҳам кўп марталаб қатнаган. Газ бошқармасидагилар эса унинг газ ўтказишни илтимос қилиб, ёзган аризаси борми-йўқлигидан хабардор ҳам эмасга ўхшайдилар. Мана, газета орқали онанинг хати билан ўртоқ С. Винецкийни таништирдик. Энди чуруқ баҳона эмас, амалий жавоб кутамиз.

Ваъда эмас, сув керак!

«Бирлик» массивининг аҳолиси сув қидириб турган азоб-уқубатларининг бир четдан айта берса тамом бўлмайди. Массивнинг Ильич кўчасигача бўлган водопроводлардан сув олмоқчи бўлганлар, ўрнига хуштак овозини эшитасиз, холос.

Ҳа, майли, ота-боболаримиз водопровод сувини ичиб катта бўлишганмиди, ариқ суридан ола қолай, дейсиз. Лекин, минг афсуски, ариқда ҳам сув йўқ. Бехтиёр кўнглингиз тортадими-тортмайдими, шу массив атрофидаги ҳовузлардан сув олгани кетасиз.

Маҳалла активлари сув масаласида Октябрь район ижрокомига ва райкомхоз мудирига бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда мурожаат қилишди. Лекин улар ҳамон массив аҳолисини ваъдалар билан суғориб келишмоқда. Ваъда эмас, сув керак, сув!!

Ҳ. СОДИҚОВ,
ишчи.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

Ошхонами, майхонами?

Газетанинг шу йил 6 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий хабарда «Анҳор» ошхонасида кейинги пайтларда аҳолига хизмат кўрсатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, у ердаги тартибсизликлар кўрсатилган эди.

Редакция Киров район ошхоналар трестидан жавоб олди. Унда қуйидагилар ёзилган:

— Газета танқиди тўғри деб топилди. Ошхона иши эрталаб соат 9 дан кеч соат 9 гача белгиланди. Кечки пайтларда махсус навбатчилар тайинланадиган бўлди. Танқидий материал ошхона коллективи ўртасида муҳокама қилинди ва зарур тадбирлар белгиланди.

Ошхона зал бошқарувчиси Чикина ва чойхоначи Пўлатов, Шарипов ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилди.

980 КИЛОМЕТР... ПОДШИПНИК

● *27 йил бир касбда*

● *Кунига 1000 та подшипник*

● *Ҳакима опа яна олдинда*

Зокир ака ҳам кўплар қатори фронтга кетди. Шаҳодат опа бир этак болалари билан қолди.

Хўш, нима қилиш керак? Оилани энди ким тебратади? Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув деганларидек, жўжабирдек оилани энди ким боқади? Мана шуларни ўйларди Шаҳодат опа.

Бир куни катта қизи Ҳакима онаси қалбидаги ғам-аламларни тарқатиб юборди.

— Ойи, мен ишга кираман,—деди у қатъий. Она рози бўлди..

Ҳакима дадаси қайтгунча унинг ўрнини босиб оилани ўз меҳнати билан боқиб турди. Ёш эди иш оғир эди. Лекин тиришқоқ, ҳаракатчан қиз барча қийинчиликларни енгди.

Мана шунга ҳам 27 йил бўлибди, деб ҳаёлидан ўтказарди Ҳакима опа ишга кетаркан. Турмуш ўтавераркан, ҳар қандай оғирлик, қийинчиликнинг роҳати фароғати бўларкан...

Уни бригадир Ю. Савельева алоҳида мулозимат билан кутиб олди.

— Яхши келдингизми,—дея қаршиларкан бригадир. Ҳакима опага бугун махсус буюртма борлиги ва уни тезроқ бажариш лозимлигини айтди.

—Бўпти, ҳозироқ бошлаймизда,—деди табассум билан Ҳакима опа ва жомакорини кийишга ошиқди....

Шу куни бригада аъзолари икки мингдан ошириб подшипник йиғишди. Шунинг тенг ярмини Ҳакима опанинг ўзи уддалади.

Ҳа, чиндан ҳам у ўз касбининг устаси. У подшипник йиғишнинг мирдан-сиригача ўрганиб олган.

Йиғувчилик касби ҳам кишидан зийраклик, чаққонликни талаб қилади. Ана шу ҳислатларни эгаллаган бу меҳнатсевар аёл корхона фахри!

Шу туфайли ишчилар уни эъзозлаб, қадрлашади. Ҳалол меҳнат жонбозлик одамларни севиш ва ҳурматлаш унинг қадрини оширди. Халқнинг юксак ишончига сазовор бўлган Ҳакима опа район Совети 1955 йилда эса Республика Олий Совети депутатлигига сайланди. Жамоат ишларида фаол қатнашиб, ишончни оқлади. обрўсига-обрў қўшди.

Ҳакима опани ўз ишининг устаси деб атадик. Чиндан ҳам шундай! Бир кунда 1000 дан ортиқ подшипникни йиғиш ҳазил эмас. У катта сабр-тоқат, чидам талаб қилади. Бир ойда эса унинг қўлидан 30 мингга яқин подшипник тайёр бўлиб чиқади.

Меҳнатсевар аёлнинг бутун иш фаолиятида тайёрлаган подшипникларини хомчўт қилинса, ажойиб рақамларнинг гувоҳи бўламиз. 27 йил ичидаги у тайёрлаган подшипникларни кетма-кет қўйилса 980 километр масофани эгалларкан.

Ана шундай! Ҳакима опа камтарин меҳнати билан коллектив эришаётган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшиб, ҳамкасбларига намуна кўрсатиб ишлаб келяпти.

Юбилей йилида ҳам Ю. Савельева бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари яхши меҳнат қилишди. Зиммадаги топшириқни доимо ошириб адо этиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, маҳсулотларни сифатли тайёрлаш—бригаданинг ҳар бир аъзоси учун қонун бўлди. Шу туфайли бригада доим олдинда. Бунда йиғувчи Ҳ. Зокированинг ҳиссаси катта.

Шу кунларда у меҳнат қилаётган «Подшипник» заводи коллективи Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб янги режаларни белгилаб олмоқда.

Ким ўзарга авж олаётган социалистик мусобақада ҳам коммунист Ҳакима Зокирова олдинги сафда!

С. ЕҚУБОВ.

ОБОД МАҲАЛЛАМ


Мажид ака маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади. Чунки бу отахон бутун умрини аҳоли хизматига бағишлаган. Тўй-ҳашам, маъракага ҳамиша бош-қош. Маҳалла аҳлининг тинч, фаровон ҳаёт кечириши, ёшлар тарбияси, тотув қўшничилик анъаналарини ривожлантиришда ҳам унинг катта ҳиссаси бор.

Мажид ака 1927 йилда Октябрь районидаги «Тор кўча» маҳалласи раислигига сайланган эди. Мана роса қирқ йилдирки, у шу жамоатчилик вазифасини узлуксиз бажариб, аҳолининг таҳсинига сазовор бўлиб келяпти.

Бу орада озмунча иш қилиндими. Бирор қўшнининг иморати ремонт талаб бўлиб қолса, дарров ҳашар уюштирилади. Маҳалла комиссияси активларидан Мирахмедов, Х. Маҳкамов, Г. Ҳусанинова, Н. Мақсудова каби ўртоқлар ҳам аҳоли ўртасида маданий-маиший, таълим-тарбия ишлари олиб бормоқдалар.

Яқинда маҳалла аҳли шу ерда етишиб чиққан шоир Таваллонинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида кўчаларига шоирнинг номини беришди. Маҳалла отахони Мажид ака Ҳусанбоев ҳамон комиссия раиси сифатида аҳолининг кундалик талаб ва эҳтиёжларига пешвоз чиқиб, эл хизматида бўлмоқда.

Ҳ. ЗАИНИДДИНОВ,
ишчи.



ЖОЗИБАЛИ НАҚШЛАР

Ўймакорлик санъати истеъдодли ўзбек халқининг қадимий ҳунарларидан биридир. Ҳозир ҳам республика Халқ хўжалик ютуқлари выставкасига кирсангиз, ажойиб ўймакорлик намуналарини кўриб қойил қоласиз.

Мана, истеъдодли ўймакор Мақсуд Қосимов ишлаган панжара. Унда бирон та мих ёки оз бўлсада елим ишлатилмаган. Уста ёғочнинг ўзига «жон киритган». Халқ усталарн кўп асрлардан бери такомиллаштириб келаётган ҳунарни ўрганиб, Мақсуд Қосимов ҳам кўплаб ажойиб санъат асарлари яратди. Эшиклар, дераза-лар, китоб жовонлари, хонтахталарга ишлаган безаклари унинг ажойиб истеъдодидан далолат бериб туради.

Уста Мақсуд Қосимов ёнғоқ, чинор, қайрағоч ва терак ёғочларидан санъат асарини бунёд этади.

Хева ва Шаҳрисабз тарихий ёдгорликларининг шинам кунгираларида ҳам Мақсуд Қосимовнинг қўли бор. У тарихий ёдгорлик бўлиб қолган жойларни қайта тиклашга 30 йил умрини сарф этди.

Мақсуд Қосимов ўзининг 61 йиллик умрини халқ санъатига бағишлади. Ҳозир виставка экспонатида безак бўлиб турган асарлар унинг кўп йиллик ижодий меҳнатй самарасидир.

О. АПУХТИН.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

PANORAMA DOR

Гап ўпканинг функционал қобилияти ҳақида бормоқда. Врачлар бронхитга қарши ҳужум бошлашяпти. Берлин шаҳри турар жой районларидан бирдаги кўпгина квартираларнинг эгалари ўз почта қутиларидан таклиф хатларни топиб олишмоқда. Бу хатлар 40—60 ёшдаги 4000 эркакка адресланган. Врачлар уларни тайинланган вақтда ўпка касалликлари район медицина пунктига келишга таклиф этганлар. Мақсад—врач кўригидан ўтказиб, улар бронхит билан касалланганмиййўқми эканлигини аниқлаш.

Бир неча ҳафтадан буён давом этаётган бу текшириш — ГДР да ўзига хос дастлабки кўрикдир. Унинг давомида нафас олиш органлари касалланишининг, айниқса, хроник бронхитнинг сабаблари ўрганилади.

Саноат юксак ривожланган мамлакатларда ана шу касаллик билан оғриган кишилар, айниқса 40 ёшдан ўтган беморлар кўп. — дейди Берлин район врачи, сил касалликлари бўйича мутахассис ва медицина маслаҳатчиси доктор Хорн.

— Унинг дастлабки белгилари сезилмас даражада зайф бўлади. Бироқ касалликни шу даврда даволашнинг катта имкониятлари бор. Касаллик кейинчалик кучайиб, кўп ҳолларда хроник тус олади ва кишининг тез-тез иш қобилиятини йўқотади, ҳатто нивалид қилиб қўяди.— дейди врач.—Шунинг учун ҳам ўпка касалликлари масалалари билан шуғулланувчи комиссия бу касалликка алоҳида эътибор берди. Мақсад—сил касалликларн тарқалишига қаршн қилинаётганн сингарн профилактик чоралар қўллаб унинг ҳам олдинн олишдан иборат.

Текшириш процедурасн жуда осон. У уч фазага бўлиниб ўтказилади. Аввало ўпканинг қандай ишлаётганлигни аниқланади. Бунинг учун таклиф этилган кишн ўпканинг ҳаёт ҳажмини ўлчовчи аппаратга пуфлайди. Рентген сурати врачга ўпкадаги ўзгаришларни кўрсатади. Ниҳоят бир неча саволга жавоб берилади. Текширишга ҳаммаси бўлиб 30-40 минут вақт кетади.

(ГДР—ПАНОРАМА).

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ



ХОРАЗМ БУЛБУЛИ

Жонажон Ўзбекистонимиз поёнсиз бир бўстон. Бу бўстон мадҳини жўшиб куйлаётган ўнлаб булбуллари бор. Уларнинг бири — Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов.

Комилжон бундан 50 йил муқаддам Хоразм областининг Шовот районида шоир ва танбурчи Отаниёз Хўжаниёз ўғли Ниёзий оиласида дунёга келди. Унинг акаси Фозилжон ҳам санъаткор бўлиб, моҳир қўшиқчи, ўйинчи ва гармончи эди. Комилжон дастлабки таълимни отаси ва ана шу акасидан олди.

1936 йилда Шовотда театр ташкил этилди. Ёш Комилжон ҳам шу ерда ишлай бошлади. Унинг улкан санъат даргоҳига қўйган дастлабки дадил қадами ана шу ердан бошланган эди.

Хушовоз ашулачи сифатида танилган Комилжон Отаниёзов 1941 йилдан бошлаб мустақил равишда қўшиқлар ижод эта бошлайди. Бу соҳада катта муваффақиятларга эришган бастакор кейинчалик композитор Л. Степанов билан ҳамкорликда «Азиз ва Санам» «Ошиқ Ғариб», композитор С. Ҳаитбоев билан бирга «Сўнгги хон» музикали драмаларига музика басталайди.

Комилжон Отаниёзов ўзи ташкил этган 32 кишилик ашула ва рақс ансамбли билан 1947 йилда Чоржўй-Қўнғирот темир йўли қурувчиларига маданий хизмат кўрсатиб, ишчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Орадан бир йил ўтиб унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди.

1949 йилда Комилжон Отаниёзов ўз ансамбли билан Тошкентга келади ва кўплаб концертлар кўрсатади. Кейинчалик бу ижодий коллектив республикамиз бўйлаб сафарга чиқди ва катта шуҳрат қозонди. Хоразм булбули деб донг таратган Комилжон Отаниёзовга эса Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвони берилди.

Бундан беҳад руҳланган Комилжон Отаниёзов ўз репертуарини кундан-кунга бойитиб борди. Коммунистик партия, пахтакор ўлкамиз, совет кишилари, яхшилик, садоқат ҳақида ўнлаб қўшиқлар ижод этади. Бу қўшиқларни ўзи ижро этиб ва шогирдларига ўргатади.

Қардош туркман халқининг классик шоири Маҳтумқули асарларининг ўзбек халқи орасига кенг ёйилишида Комилжон Отаниёзовнинг муносиб ҳиссаси бор. Туркман халқи эса уни ўзларининг севимли хонандалари сифатида эъзозлайдиган бўлганлар. Шунинг учун ҳам Туркманистон Совет Социалистик Республикасининг 40 йиллиги муносабати билан Комилжон Отаниёзовга Туркманистон ССР халқ артисти унвони берилган эди.

Ўн беш йилдирки, Комилжон Отаниёзов ўзи ташкил этган Хоразм ансамблига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу ансамблнинг ажойиб концертларини Ўзбекистонимиз ва қардош республикаларда неча минглаб томошабинлар мароқ билан кўришган. Бир вақтлар Комилжон Отаниёзов Юнус Ражабий, Матюсуф Шерозий, Хожихон Болтаев, Мадпано Худойберганов, Тўхтасин Жалилов каби устозларга шогирд бўлган бўлса, ҳозирда у кўпгина етук санъаткорларнинг устозидир. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Султонпошша Раҳимова, Коммуна Исмоилова ва бошқалар ўз устозлари номини фахр билан тилга оладилар.

Эллик ёшга тўлган бугунги қутлуғ кунида санъатсевар халқимиз Комилжон Отаниёзовга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилайди ва ундан ажойиб замонамизга муносиб қўшиқлар кутади.

У. ЮСУПОВ,
Ҳ. ХЎЖАЕВ.

Озодалик

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

Ҳозирги кунда янгидан-янги кўчалар, турар жой, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари вужудга келяпти, завод ва фабрикалар қуриляпти. Бу ҳаммамизни ҳам хушнуд этадиган фактдир. Бироқ, шаҳарлар ичида саноат объектларининг жойлашиши ҳавонинг ифлосланишига олиб келади. Ифлосланган ҳаво таркибида турли-туман заҳарли аралашмалар (масалан, автотранспорт ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган ис гази, альдегид, алефин, қўрғошин бирлашмалари, завод ва фабрика трубаларидан чиқадиган тутун ва газлар) учраши мумкин. Бундай ҳаво инсон соғлигига салбий таъсир қилади, инсон соғлиги учун фойдали бўлган ультрабинафша нурларининг таъсирини 50-60 процентга камайтиради.

Катта шаҳарларнинг атмосфера ҳавоси кўпроқ ифлосланган бўлиши аниқланган, транспорт ҳаракати натижасида эса шовқин ҳосил бўлади. Юқорида айтилганларни назарга олиб, энергетика, химия, оғир саноат корхоналари шаҳардан четга чиқарилмоқда.

Бизда иқлим иссиқ бўлганидан аҳолининг кўпроқ вақти, ҳаёти очиқ ҳавода—ҳовлида, боғларда, ўтади. Шундай экан, участка ва аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш катта аҳамиятга эга.

Дарахт ва ўсимликлар, кўкатлар жойларнинг ҳуснига-ҳусн қўшади. Киши кўнглига ҳузур бахш этиб, тетик қилади.

Шунинг учун ҳам аҳоли яшайдиган жойлар ва жамоат тўпланадиган корхоналар, чунончи чойхона, ошхона сингари жойлар яқинига турли дарахт кўчатлари ўтказиб ободонлаштириш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ўрмонбоғлар барпо қилиш турли касалликларнинг камайиши ва меҳнаткашлар соғлигини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради.

Кундалик ҳаётимизда сув катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга сув аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштиришда ва озода сақлашда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бизнинг шарафли вазифаларимиздан бири сув манбаъларини ифлослантирмасдан тоза ҳолда сақлашдир.

Аҳолининг кундалик фаолияти натижасида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг тоза сувларга қўшилиши натижасида табиий сув манбаълари ифлосланиши мумкин.

Шунинг учун очиқ сув манбаъларидан тозаланмаган ва зарарлантирилмаган сувларни истеъмол қилиш, хўжалик ишларида фойдаланиш инсон соғлиги учун хафлидир. Демак, биз ҳарқандай сув манбаъларини ифлосланишидан сақлашимиз керак.

Аҳоли яшайдиган жойларда йиғиладиган чиқиндилар фақат ташқи муҳитнигина ифлослантириб қолмай, балки пашша тўпланадиган жойга айланади ва аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг тарқалишига сабабчи бўлади. Юқумли касалликларнинг олдини олиш учун коммунал хўжалик ташкилотлари ва айниқса ҳар бир хонадон тозалик қоидаларига доимий равишда риоя қилиши лозим. Бунинг учун турли чиқиндиларни қопқоқли идишларга йиғиш, коммунал ва ободонлаштириш ташкилотлари эса йиғилган ахлатларни ўз вақтида белгиланган жойларга ташлаши керак. Ахлат тўпланадиган идишларга вақти-вақти билан ўн процентли хлор эритмаси (бир челак сувга бир килограмм хлор оҳаги қўшилади) сепиб туриш лозим.

Томорқалари бўлган хонадонларда эса чиқиндиларни 3-5 метрли, эни бир метрли ўрага кўмиш мумкин ва чиқиндилар чириб бўлгандан кейин (11—12 ойдан сўнг) гўнг сифатида томорқаларда ишлатиш мумкин. Ҳар бир хонадоннинг ювинди тўкадиган қопқоқли ўраси бўлиши керак.

Ободонлаштирилган турар жойлар, одамнинг кўнгилдагидек дам олиши ва соғлигини мустаҳкамлашда ижобий роль ўйнайди. Аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ташкилотлар билан бирга бутун жамоатчиликнинг асосий вазифаларидан биридир.

Т. ОРИФЖОНОВ,
М. ОРТИҚОВ,
Медицина фанлари кандидатлари.



Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом С. Абдуллаевнинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолияти бошланганлигининг 30 йиллигини нишонлади. Ўзбекистон ССР Санъат музейида юбилярнинг асарлари виставкаси ташкил этилди.

СУРАТДА: С. Абдуллаев асарлари виставкаси залида.

Н. Ключнев фотоси. ЎзТАГ.

УЛАРНИНГ АХЛОҚИ

Ер шаридан

„КОТИЛИНГ — ЭНГ ЯҚИН ДЎСТИНГ“

Бу йил Америка магазинларидан 2 миллиард долларликдан зиёд озиқ-овқат ва саноат моллари ўғирланди. Ушбу рақам ўз-ўзидан ҳайратда қолдиради. Гап бандитлар, гангстерлар ҳақида бораётгани йўқ, балки энг оддий харидорлар ҳақида кетаётганлиги кишини янада ажаблантиради. Гап магазинга кирганда «нўздан нари» бўлган шарнли ручкадан тортиб транзистор телевизорларигача пальтоларига бекитиб чиқаётган майда ўғрилар тўғрисида боряпти, уларни «шоплифтерс» деб аташади.

Хўш, бу майда ўғрилар ким ўзи? Полиция хизматчилари ўтказган таҳлил ҳозирги замон Америка жамиятидаги ахлоқнинг қиёфасини чизиб беради: Аниқланишича, магазинларда содир бўлаётган ўғирликнинг 95 процентини «ўрта синфга» хос бўлган гоят ҳурматли граждандар қиляпти. Дам-бадам ва кўпинча уй бекалари ўғирлик қилади. Фақат улар эмас. Қайси бир магазиннинг бошлиғи билан сўзлашманг, у сизга врачлар, ўқитувчилар, юристлар, давлат ходимлари майда ўғирлик қилаётганини гапириб беради. Нью-Йоркдаги магазиндан нўйлак ўғирлаётган бир аёл ушланди. У машҳур опера хонандаси экан. Лос-Анжелосда эса полиция ходими бўлган аёл қўлга тушди.

Бу одамларни ўғирлик қилишга нима мажбур этади? Детективлар бу саволга қисқа жавоб бера олмасликларини айтадилар. «Лайф» журналининг сўзи бўйича, ҳурматли оилаларнинг оналари ён-атрофга безовта нигоҳ ташлаб, шарф ёки атир қўйилган флаконларни сумкачаларига солиб олади-лар. «Бундай буюмларни харид қилиш учун оила бюджетидан пул ажратилмайди». Кўрдингизми, нақадар осон!

Ана шу фалсафани ёшлар ниҳоятда қатъият-лик билан ўзлаштириб олмоқдалар. Майда-чуйда ўғирлик кўпгина ўсмирлар учун спортнинг бир тури бўлиб қолди. Агарда сен «латта эмас-лигингни» кўрсатмоқчи бўлсанг, таниш олдида магазиндан бирор нарсани гумдон қилишинг керак. Яқинда Балтимор магазинида икки қизча ушланди: каттаси 10, кенжаси икки ёшда эди. Катта қиз қўлга туширганларга шундай деди:

— Бу ерда ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Ҳамма шундай қилади.

2 миллиард доллар — ҳазилакам пул эмас. Магазинларнинг эгалари майда ўғрилар билан курашиш учун кескин чоралар кўряпти. Штатдаги детектив бригадаларига телевизион техника ёрдам беряпти, Баъзи вақтда бутун бир магазин бўйлаб «Уз жойига қўй! Мен ҳаммасини кўриб турибман» қабилида радионинг вақимали буйруғи янграб туради. Бу билан ўғрига психологик таъсир кўрсатиш, олган нарсасини ўз жойига қўйдириш ва уни қўрқитиш кўзда тутилади.

Бунинг ҳаммаси фойда беряптими? Айтарли ёрдам бермаётганлиги кўриниб турибди. Федераль тергов бюроси (ФБР) нинг докладида майда-чуйда ўғрилик ўтган йилдагига нисбатан 19 процент ўсганлиги айтилади.

Докладда шунингдек ва бошқа рақамлар ҳам борки, майда ўғриликка қнёслаб кўрганда жуда қайғулидир. Масалан, банкларни талаш ўтган йилдаги миқдоридан 60 процент зиёд бўлганлиги қайд қилинди. Айрим гражданларга қуролли ҳужум қилиш 23 процентдан кўпроқ ўсди. Қотиллик 16 процент кўпайди.

Бу Америка мамлакати бўйича қайд қилинган кўрсаткичлардир. Агар Американанинг айрим шаҳарларини оладиган бўлсак янада даҳшатли манзара кўринади. Масалан, Мемфисда қотиллик сони 200 процент ўсди, Бостонда 160 процент, Сент-Луисида—85 процент, Кливлендда— 50 процент, Нью-Йорнда — 30, Вашингтонда — 25 процент ўсди.

— Қотиллик оддий воқеа бўлиб қолди, — дейди Чикаго полиция бошлиғи Фланаган. Агар сенн энг яхшн дўстинг ўлдириб кетса, ҳеч ким ажабланмайди. Бизнинг шаҳримиздаги ўлдирилганларнинг 83 процентн ўзларининг бўлажак қотиллари билан таниш, дўст ва қариндош бўлганлар. Аёллар эрларини ўлдиряпти, эрлар ўз ўйнашларини, аналар опа-сингилларини ўлдиряпти, квартирада яшовчилар ўй эгаларини қатл этяпти, қўшнилар қўшниларини жаҳаннамга юборяпти.


Кейинги вақтларда нотаниш одамларни бемаъни ўлдириш тез-тез содир бўлмоқда. Полиция томонидан ушланган «снайперлар» номаълум кишини қатл этганликларига одатда бирорта дадил келтира олмайдилар.

Буни полициячиларнинг ўзи ҳам тушунтириб бера олмаяпти. Шундай бўлсада баъзилар саволга жавоб топишга уринади. Чикагонинг журналистлар билан суҳбатда бундай деди:

— Қотилликнинг кўпайиши-давримиз белгиси. Воқеалар одамларнинг феъл-атворига таъсир қиляпти. Вьетнам уруши—энг сўнгги набатда эмас. Президентга қилинган қотиллик... Детройтдаги воқеалар... Инсон ҳаёти уч пул бўлиб қолди. Қотиллик анатомиясини англаш учун, жаноб журналистлар, қотилликни келтириб чиқараётган жамиятнинг социал анатомиясини ўрганиш керак.

Ҳаттоки полиция бошлиғи ҳам ҳақиқатни пайқаб олаётганлиги кўриниб турибди.

Б. СТРЕЛЬНИКОВ,
«Правда» махсус мухбири. («Правда», 17 декабрь).



Социалистик Руминиянинг пойтахти Бухарест шаҳридаги янги Ницу-Василе турар жой райони.

Аджерпресс — ТАСС фотоси.



«Донбасс» нашриёти яқинда босиб чиқарган Макеевка шаҳрида яшовчи шофёр Евгений Клименконинг «Менинг осмоним» повести муаллиф болалигини уруш барбод этган ўз авлодининг тақдири тўғрисида ҳикоя қилади. Евгений Клименко ўн йилдан ортиқ вақтдан буён шофёр бўлиб ишлаши билан бирга, бадиий ижод билан ҳам шуғулланади.

«Менинг осмоним» шофёр ёзувчининг бешинчи асаридир.

СУРАТДА: Е. Клименко.

С. Гендельман фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

ОТАЛАР ИЗИДАН

Тошкентлик ўймакорлар Т. Аюбхўжаев, А. Турсунов унинг ўғли Н. Турсунов яна қўплар ёғоч ўймакорлик техникасини моҳирлик билан эгаллаб, ўз иш фаолиятлари билан дунёга машҳур бўлганларини кўпчилик билади. Улар ёғоч ўймакорлик санъатини дераза, эшик, қурилиш устунлари, карниз-ҳари ва турли турмуш предметларини бадиий безашда, стулча, сандиқ, стол, шкаф, рамкаларда моҳирона ишлатишган.

Ўзбек халқининг ёғоч ўймакорлик санъатини совет ёшларига ўргатишда Н. Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи қошида очилган «Ёғоч ўймакорлик» тўгарагининг иш фаолияти диққатга сазовор. Тўгарак 1957 йил март ойида ташкил топди. Х. Исроилов, Ф. Нуриддинов, С. Мўминов каби 30 дан ортиқ ёшлар унинг биринчи қалдиргочларидир.

Тўгаракда 10 йил мобайнида 500 киши таълим олди. Тўгарак аъзолари ўз ишлари билан Москва, Тошкент, Америка, Япония «Бўлалар ижодий» виставкаларида иштирок этишга муяссар бўлдилар. Ҳозирги кунда 42-мактаб ўқувчиси Шоқобул Шоёқубов, 15-мактаб ўқувчиси Мараим Собиров ва бошқа тўгарак аъзолари ишлаган В. И. Ленин панноси, Ленин ордени, кресло, замонавий этажерка, стол каби ўндан ортиқ ўймакорлик санъат намунаси диққатга сазовордир.

Саидазим Қосимов тўгаракнинг тўнғич устозидир. Ёш авлодга таълим берар экан, халқимизнинг энг қадимий санъатини моҳирлик билан эгаллашга чорлайди. Саидазим бутун билимини ёш авлодни тарбиялашдек мураккаб ва олий жаноб ишга сафарбар этмоқда.

М. ИСМОИЛОВ,
Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси.



ПОВЕСТЬ-ГИПОТЕЗА

—Б ЕШИНЧИ кун, мистер Чэпмен, ҳамма ишни полиция айқаш-уйқаш қилиб юборди, 25 март куни чиндан ҳам «Олтин маъбуда»ни ўғирлаб кетишди. Скотланд-ярд унинг изини йўқотди.

— Шошманг, сиз ахир, кубок Блетчлиникига беркитиб қўйилган деган эдингиз-ку.

— Ҳа, шундай эди-ю, лекин у... уни чиндан ҳам ўғирлаб кетишди-да. Биласизми, полиция кубокни кечаси Блетчлиникидан топиши керак эди. Лекин унинг ўзи туш маҳалида Скотланд-ярдга қўнғироқ қилиб, маъбудани ўғирлаб кетишганини хабар қилди.

— Нима, маъбудани унинг уйидан ҳам ўғирлаб кетишибдими?

— Ҳа, унинг уйидан ҳам. У ерда шундай тўс-тўполон кўтарилган-ки, сўз билан таърифлаб бўлмайди. Йўқолган нарсангни лоақал тахминан қаердан излашни билсанг-ку бир навиа, лекин умуман изини ҳам тополмасанг, оғир бўларкан. Блетчлининг уйида уч группага бўлинган изқуварлар узу-кун ишлар эди. Улар барча қаватларнинг астар-аврасини ағдариб ташлашди. Деворларни, шифтларни, ҳатто столларнинг тортмаларигача кўриб чиқишди. Коронги тушганига қарамай, полиция машиналари зум ўтмай Блетчлининг дарвозаси олдига келиб-кетиб турарди. Бир эмас, йигирматача машина йиғилган эди, шекилли. Кўчадан ҳеч қаёққа ўтиб бўлмасди.

— Менга қаранг,— Чэпмен унинг гапини бўлди.— Мабодо, бу ишни ўзингиз қилмаганмисиз?

Кросби титраб кетди. Олдинга эгилганча тез-тез гапира бошлади.

— Мистер Чэпмен, мени бундай қаттиқ қийнаб-қистоққа олманг. Илтимос қиламан, гапимни охиригача эшитинг, ҳаммасини тушуниб қоласиз.

— Нега бундай қилдингиз?— деди Чэпмен дағдаға билан.

— Бизнинг команда ҳеч бўлмаса бир марта жаҳон чемпиони бўлишини жуда ҳам хоҳлардим.— Кросби оҳиста, чайналиб гапирар эди.— Тўғри, бу ниҳоятда мушкул иш эканлигини билар эдим. Бу эришиб бўлмайдиган даражада мураккаб мушкулот эди. Шунда ҳаёлимга бир фикр келди. Тушуняпсизми, мистер Чэпмен, агар кубок ном-нишонсиз йўқолса, халқаро футбол федерацияси ФИФА — аввалги «Олтин маъбуда»нинг аслига ўхшаш янги кубокка буюртма беришга мажбур бўлур эди. Ветминстердан кубок йўқолганидан кейинроқ бу тўғрида гапиришган эди. ФИФА президенти Стэнли Роузми, спорт министри Хауэллми, кимдир шуни аниқ айтган эди, ўйлаб кўринг, биттанинг ўрнига иккита «Олтин маъбуда» бўлса! Қалай бўларди. Ўша кубокларни биттаси бизнинг Жимми Гривс ёки Бобби Чарльтоннинг қўлида порлаб туришини тасаввур қилганимдаёқ, кувончдан антиқиб кетган эдим. Агар ижозат берсангиз, мистер Чэпмен бу ишларга қандай режа тузганлигимни бир чеккадан айтиб бераман.

Мен финал учаршувнинг иккинчи ярмида командамиз эгаллайдиган дарвозанинг ўнг томонидаги энг қуйи қаторга келиб, эски сумкамни қўлтиқлаганча ўтираверараман. Майдон билан менинг орамда бор йўғи икки полициячи турган бўлади. Тез чопган одам уларнинг орасидан бемалол ўтиб кета олади.

«Уэмбли» стадионида энди нимадир рўй беришини айтмасам ҳам бўлади. У ҳеч қандай тасвирга муҳтож эмас. Черчилларнинг ўлими ҳам, қироличанинг тахтга ўтириш маросими ҳам, ҳатто кейинги сайлов ҳам шунчалик кўп шов-шувга сабаб бўлмас эди. Футбол одамларни ўзига шундай жалб қиладики, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб юборасан киши. Ўлардай ёмон кийинганинг ҳам, эртага квартира ҳақини тўлашга бир мири пулинг қолмаганлиги ҳам пақпақос эсингдан чиқиб қолади. Сен фақат ўйин тугагунча футбол эҳтироси билан яшайсан. Бу эҳтирос ўт бўлиб ёндиради вужудингни.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Худди шу пайт ҳеч кимга сездирмай ўрнимдан тураман-у, кучим борича югуриб майдонга чиқаман. Майдон марказида эса президент Стэнли Роуз музика садолари остида ғолибларга «Олтин маъбуда»ни топшираётган бўлади. Ўнлаб кинооператорлар, фоторепортёрлар орасида мени биров пайқамайди ҳам. Шу пайт сумкани очаман-у «Олтин маъбуда»нинг асли ўзини олиб, йигитларимиз қўлига тутаман. Стадион бир лаҳза сув қуйгандек жимиб қолади-ю, кейин гулдурос қарсаклар ҳаммаёқни титратиб юборади. Бизнинг ўйинчиларимиз менга шу қадар шодлик, шу қадар қувонч билан тикилиб қолишадики, ўзим ҳам нақадар севинганимни ёлғиз тангрининг ўзи билади.— Кросбининг кўзлари намланиб, овози титраб кетди.— Мистер Чэпмен, шундан кейин нима бўлса бўлаверсин эди! Менга деса устимдан тегирмон тошн юритишмайдими!

«Бу чалкаш ишга аралашганларнинг орасида энг оқ кўнгиллиги мана шу Кросби экан, деб ўйлади Чэпмен, ўз ўрнига ўтирар экан.

— Ҳар қалай шунисини айтингчи, Кросби, кубок сизнинг қўлингизга қандай қилиб тушиб қолди?

— Бунинг ҳеч бир ғаши-тили йўқ эди, мистер Чэпмен. Мен тонг саҳарда Блетчли уйида йўқ пайтини пойлаб турибман, уникига кирдим. Чиндан ҳам ўзи йўқ экан. Эшикни қизи очди, Бирпас дам олган киши бўлиб ўтирдим. Зум ўтмай, Эдинг қизи ўз хонасига, дугоналарининг ёнига кириб кетди. Эд яшайдиган хонанинг ҳамма тешикларини беш панжамдай билардим. Шунинг учун кубок, ни осонгина топиб, сумкамга солиб қўйдим. Кейин, кизлар билан қуюқ хайрлашиб, уйдан чиқдим.— Кўряпсизми, ҳамма иш жуда осон кўчди. Балки сиз одамлар кима учун сиздан шубҳаланишмади деб сўрарсиз? Биласизми, мен софдил одзмман, мистер Чэпмен. Эд уйидаги оқсочдан торгиб, почтальонгача ҳаммадан гумонсираши мумкин эди-ю, лекин мени хаёлига ҳам келтира олмайди. Умрим бино бўлиб, бир марта ўзгаларнинг буюмини олдим. Ҳали ҳам ўтиниб илтимос қиламан: бу қилмишим учун мени ўғри деб атаманг.

— Яхши. Лекин кубок қўлингизда туриб цега энди ўз режаларингизни қайтдингиз. Наҳот ки кубокни сизнинг қўлингиздан ҳам ўғирлаб кетишган бўлса?

— Биласизми, Мистер Чэпмен, худди шу ўринда мен катта хато қилиб қўйдим. Бунинг учун ўзимни асло кечира олмайман, Ўша кубокни олган куним унинг тайини одам қўлида эканини футбол ассоциясидагиларга хабар қилиб, тинчитиб қўяқолчи бўлдим. «Олтин маъбуда»нинг қопқасига ўрнатилган биллур таглик. нинг бир чеккасини авайлаб кўчиридиму бир парча хат билан қўшиб, футбол арбобларига жўнатиб юбордим.

— Бунисидан хабарим бор.

— Бизнинг газетада ҳам посилка қилиб юборилган таглик бўлаги ҳақида кўп гаплар ёйилган эди.

— Ўша кечанинг ўзидаёқ Скотланд-ярдда ўша бўлакчани кимёвий анализдан ўтказишган, бу бўлак кубокнинг асли ўзидан олинганлигига қаноат ҳосил қилишган. Буларнинг ҳаммаси кўнгилдагидек бўлдиг! Лекин аҳмоқ бўлмасам посилкани Лондоннинг жанубн-шарқий районидан эмас, бошқа районидан юбормасмидим! Полиция штемпелга қараб, бизнинг почта бўлимини дарров билиб олибди. Шанба куни эрталабдан бошлаб бизнинг квартална изқувалар тўлиб кетди. Хамманинг уйини битта-биттадан тинтиб чиқа бошлади. Улар кубок Блэтчлининг уйига яқин жойда эканлигини сезиб қолишди. Эдинг ўзи эса аллақачон қамоққа олинган, чамамда ўзининг ҳамма танши-билишларини ном-баном айтиб берган эди. Ҳали-замон менинг ҳам ёқамдан олишларини сездиму, гира-шира қоронғилик тушиши билан кубокни олиб, уйдан чиқдим.

(Давоми бор).

РЕКЛАМА...

РАДИОДА
21
ДЕКАБРДА
ПАЙШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 «Ватан ҳамда партияни шарафлаймиз» деган концерт.
18.40 **Музикали танаффус.**
19.20 Татар куйлари.
20.00 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «Ленин поезди» деган суҳбат (русча).

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

20.10 Янги Тошкентни қурадётганлар учун концерт (русча).
20.50 **«Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан»** (ўзбекча).
21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.45 **Сиёсий билимлар радиоуниверситети «Хўжаликнинг соцналистик системаси»** деган суҳбат (ўзбекча).
22.15 «Вальслар мамлакатига саёҳат» деган музикали эшиттириш.
22.40 Ё. Шукуровнинг **«Тошдаги қон»** повестидан парча (русча).
23.20 **Саноат ходимларининг талабларига мувофиқ концерт** (ўзбекча).

Иккинчи

19.00 ЁШЛАР ИЖОДИ (ўзбекча).
19.30 Революцион қўшиқлар тарихидан.
20.10 Ўзбекистон артистлари ижросида рус композиторларининг романслари.

ТЕЛЕВИЗОРДА
21
ДЕКАБРДА
ПАЙШАНБА

Биринчи

Рус тилида:
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Болалар учун. **«Музикали минутлар».**
18.45 Реклама ва эълонлар.
18.50 «САШАҲОН-САША». Кинокомедия.
20.00 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
20.05 Телевизион янгиликлар.
20.25 **«Октябрь революцияси»** номли заводда.
20.45 **Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан. «АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ ОЙНАЙИЖАҲОНДА».**
21.25 **«Ўзбекистон санъат усталари». Комилжон Отаниёзов.**
22.25 **«Экранда совет хотинқизлари образи».** Киноэшиттириш.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
24.00 **«Бу—давлатнинг яширин сири эди».** Телевизион кўп серияли бадиий фильмнинг иккинчи серияси.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ

18.30 Студентлар учун. Чизма геометрия.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 Интервидение. Ўқувчилар учун ёш музикачилар конкурси.
20.30 Қишлоқ янгиликлари.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.20 Музикали маяк.
21.30 **Жаҳон бир ҳафта ичида.**
22.00 Театр санъаткорлари билан учрашув.
23.30 Телевизион янгиликлар.

Учинчи

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ
18.00 **«Бизнинг овул кишилари».** Телерепортаж.
18.10 **«Скульптор ва замон».** Киноочерк.
18.30 **«Ёш санъат ҳаваскорларининг клуби».**
19.00 Янгиликлар.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
19.30 Ўқувчилар учун. **«Комсомолдан ўрнак ол!»** деган эшиттириш.
Рус тилида:
20.00 Телеочерк.
20.25 «МЕН ЯШАЁТГАН УЙДА». Бадиий фильм.

ТЕЛЕВИЗОРДА
22
ДЕКАБРДА
ЖУМА

Биринчи

Рус тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.10 **«Звездочка».** Телевизион журнал.
18.45 Музикали календарь.
19.35 Халқ контроли амалда.
Ўзбек тилида:
20.00 Телевизион янгиликлар.
20.20 **«Ильич орзуси амалда».** Бутуниттифоқ энергетика ходимлари кунига бағишланган эшиттириш.
21.20 **«Устоз ва мураббий».**
22.00 НАФОСАТ». Бадиий фильм.

Иккинчи

18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Студентлар учун. Инглиз тилидан 8-машғулот.
Рус тилида:
18.30 Студентлар учун. Чизма геометрия.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
19.55 Эшиттиришлар программаси.
20.00 Ўқувчилар учун. **«Пионерия»** телевизион агентлиги.
20.30 **«Пўлат оқим».**
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.15 **«Сенинг қўлинг билан, халқ».** Энергетика ходимлари кунига бағишланган эшиттириш.
21.45 «Огонёк».
23.00 Янгиликлар эстафетаси.
24.00 Мамлакат музика театрлари фестивали. Латвия ССР Давлат Академик опера ва балет театри ҳақида эшиттириш.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ
17.00 Мультфильм.
17.10 **Жонажон Ватан бўйлаб.**
17.30 «ГИЛДИРАКНИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН». Бадиий фильм.
19.00 Янгиликлар.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
19.30 **Кинофильм.**
Рус тилида:
20.00 «Поэзия сатрлари». **«Сен юлдузлар сари борасан».**
20.20 «ДОН ҚИССАСИ». Бадиий фильм.
21.45 **«Иованна куйлайди».** Фильм-концерт.

КИНО ТЕАТРЛАРДА

21 ДЕКАБРДА

Сайёд қўнғироғи—«МОСКВА», НАВОИЙ номли, «ЧАЙКА» (кечқурун).
Қисқа учрашувлар (кеч 8 да), **Аччиқ гуруч** (кеч 6 ва 9-45 минутда)—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»
Аловуданинг сеҳрли чироғи—«ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).
Унинчи қадам—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

22 ДЕКАБРДА

Сайёд қўнғироғи — «МОСКВА» «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).
Қисқа учрашувлар (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да), **Аччиқ гуруч** (кундуз 12, кеч 6 ва 9-45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».
Унинчи қадам — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

22-23 ДЕКАБРДА

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА 22|XII да **Чио-Чио-Сан**, 23|XII да Зулматдан зиё.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22|XII да Ёшлинда берган кўнгил, 23|XII да Фарҳод ва Ширин.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Майдонда москвaликлар»**, Совет цирки усталари, Совет Иттифоқи. да янка-ю—ягона радио-механик одам — **«Робот»** иштирокида электрон-иллюзион аттракцион.
Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
22 декабрда
Ўзбекистон ва Туркманистон ССР халқ артисти
КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ
туғилган кунининг 50 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланган
ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ
Юбилей кечаси кеч соат 6 да бошланади, кечага таклиф билетлари билан қўйилади.

Тошкент шаҳар, Ленин районидаги 40-ўрта мактаб томонидан Мўминов Носир номига берилган 002284-сонли йўқолган
ЎРТА МАЛУМОТ ҲАҚИДАГИ АТТЕСТАТ
бекор қилинади.

«УЗГИПРОЗЕМ» ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИНИНГ
область экспедициясига ва Тошкент шаҳрида ишлаш учун инженер-ирригаторлар, агролесомелиораторлар, тупроқшуносlар
КЕРАК
Қабул қилинганлар квартира билан таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ХЛОДКОМБИНАТИГА
автомобил транспорти ишбайга ва гўштларни ортиш бўйича юкчилар (меҳнат ҳақи вақт бай асосида), катта омборчилар, холодильник омборчилари ва қурилиш ишчилари
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси 6-уй, кадрлар бўлими (5, 7, 12-автобусларнинг «1-Вино заводи», 3, 16, 26-автобусларнинг «Фигельский» бекатлари), телефон Е-6-24-12.

«ИРМОНТАЖСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ
махсуслаштирилган пуско-наладка ишлари бошқармасига инженерлар: электриклар, механиклар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича, теплотехниклар, қурилиш материаллари тайёрлаш бўйича технологлар; техниклар: электриклар, механиклар, Тошкент, Мирзачўл, Қарши, Ашхабод шаҳарларида пуско-наладка ишлари участкасига V-IV разрядли электр монтёрлари
КЕРАК
Меҳнат ҳақи вақт бай-мукофот, тариқасида тўланади.
Командировка қилинганларга умумий тартибда коэффицент тўланади. Оилалилар квартира, ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Усмон Юсупов кўчаси, 2-уй. Телефонлар 4-64-84, 4-64-33.

...ВА ЭЪЛОНЛАР

МАКТАБ СПАРТАКИАДАСИ

Яқинда 117-мактаб спартакиадаси бўлиб ўтди.

8 «б»-синф ўқувчиси Салимов 60 метрга югуришда биринчи ўринни эгаллади. Баландликка сакраш бўйича Тажанова, Алимова ва Раҳимовалар мукофотли уч ўринни эгаллашди.

Спартакиада ғолибларига биринчи, иккинчи ва учинчи даражали ёрлиқлар топширилди.

М. МАҚСУДХУЖАЕВА, Д. РИХСИЕВА, 10-синф ўқувчилари.



Шаҳар олий спорт маҳорати мактаби қошидаги сув спорти секциясининг спортчилари секциянинг сув спорти базасида спорт машғулотларини юқори савияда давом эттирмоқдалар.

СУРАТДА: сув спорти секциясининг ёш спортчиси А. Иванов машғулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

Спорт

ФУТБОЛ

240 МИНУТЛИ МАТЧ


«Спартак» жўнгилли спорт жамияти томонидан таъсис этилган кубок учун курашда ўн тўртта футбол командаси иштирок этди. Улар икки группага бўлиниб, кубок учун курашга бошладилар. Финалга икки группа ғолиби «2.болалар спорт мактаби» билан 1-таксимотор парки командалари чиқди. Финал учрашув «Спартак» стадионида ўтказилди. Ўйин бошланиши билан «2.болалар спорт мактаби» командаси ҳужумга ташланди ва майдонда устунликни ўз қўлига олди.

Иккинчи бўлимнинг биринчи минутларидан таксимоторчилар ўйинчи-тренер, СССР спорт мастери Юрий Беляковнинг жонбозлик билан ўйнаши натижасида шиддатли ҳужумлар уюштиришди ва 15-минутда ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг мактаб футболчилари ҳисобни тенглаштириш учун бор кучларини сафарбар қилдилар. Иккинчи бўлимнинг 37-минутида бурчакдан узатилган тўпни Баҳодир Аҳмиддинов дарвозага киритиб, ўз командасини мағлубиятдан қутқазди. Ўйин охирига ча ҳисоб ўзгармади. Қўшимча берилган 30 минутда ҳам командалар ҳисобни ўзгартира олмади. Кубок ўйинларини қонунига биноан эртаси куни қўшимча матч белгиланди. Ўйиннинг иккинчи ярмида командалар биттадан тўп киритиб 1:1 ҳисоб билан матчни яна дуранг қилдилар. Яна қўшимча 30 минут вақт берилди. Қўшимча вақтнинг биринчи минутида спорт мактаби командаси дарвозасига 11 метрлик штраф тўпини киргизиб, такситорчилар олдинга чиқиб олдилар. Лекин тезда Х. Ҳасанов жавоб тўпини киргизди. Ҳисоб 2:2.

Матчнинг 230 ва 237 минутларида таксимоторчилар дарвозасига икки тўп киритган Ю. Собитов ўз командасининг ғалабасини таъминлади. 4:2 ҳисобида «2.болалар спорт мактаби» командаси ғолиб чиқиб кубокни қўлга киритди. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, кубок эгалари бу ўйинларда рақиблар дарвозасига 55 тўп киритиб, ўз дарвозаларидан атиги 4 тўп ўтказиб юборганлар.

«2.болалар спорт мактаби» командасининг бир неча ўйинчиларига 1-даражали диплом ва 1-спорт разряди берилди.

Т. ЮСУПОВ.



1968 йил февраль ойида Гренобль шаҳрида X қишки олимпиада ўйинлари ўтказилади. Шаҳар француз Альп тоғлари ёнбағрига жойлашган.

Суратда: Гренобль яқинидаги Шамрусс спорт маркази. Бу ерда чанғичилар мусобақаси ўтказилади.

ТАСС фотохроникаси.

ШАХМАТ

ИККИ ФИНАЛЧИ

Округ офицерлар уйида гарнизон биринчилиги мусобақалари ўтказилмоқда. Шахмат тахталаридаги кескин «жанг»ларда ғолиб чиққан икки спортчи СССР қуролли кучлари 50 йиллигига бағишланган Туркистон ҳарбий округи турнирида қатнашади.

БАСКЕТБОЛ

КУЧЛИ УЧЛИКДА

Студентлар кўнгилли спорт жамияти—«Буревестник» Марказий Советининг биринчилиги Рязань шаҳрида бўлиб ўтди.

Бу мусобақада иштирок этган Тошкент медицина институтининг баскетболчи қизлари кескин курашлардан сўнг фахрли учинчи ўринни қўлга киритдилар.

САМБО

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Ригада самбо кураши бўйича халқаро турнир ўтказилмоқда. Бу мусобақа Европа ва жаҳон чемпионатига катта тайёргарлик босқичини ўтаяпти.

Ҳамшаҳримиз Х. Рўзиқулов ҳам бундай йирик кўрикда иштирок этмоқда. Энг енгил вазн категориясида қатнашаётган Х. Рўзиқулов СССР чемпиони В. Бондаренкони мағлубиятга учратган Югославия вакили С. Тополь чникни енгди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор—В3.02-49 дан; В3.02-58 гача, редактор ўринбосарлари—В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3.27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими—В3.81-42.

21 ДЕКАБРЬ, 1967 И. Р. 02705. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3087.